

2022 йил « 5 » январ

Бухоро ш.

“Хазорбоғ” ФХ кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи И.Солиев номидан, бир томондан ва Бухоро вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи Р.Асадов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Бажарувчи» «Буюртмачи»га суюлтирилган газ ёқилғиси бўйича 2022 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа нефт маҳсулотлари турлари бўйича эса «Бажарувчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Буюртмачининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Йил	Нархи	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022й Бюджет ҳисобидан тулов		2 100 000				2 100 000
Литр миқдориди пропан учун		656				656
1 литр (сўмда)		2 100 000				2 100 000

1.2. Тўловлар «Буюртмачи»нинг 2022 йилги ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси **Икки миллион бир юз минг (2 100 000) сўмни** ташкил қилади. Шартноманинг суммаси нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган нефт маҳсулотларининг нархлари, нефт маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1.Суюлтирилган газ «Буюртмачи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Буюртмачи» тақсимотига кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи қуйиш шаҳобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисини ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Суюлтирилган газни ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Маҳсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3.«Буюртмачи» сиқилган газни ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт маҳсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4.«Бажарувчи» омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган ҳаражатлар «Буюртмачи» зиммасига тушади.

2.5. Суюлтирилган газ қуйилган автоцистерналар («Буюртмачи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Бажарувчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Буюртмачи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6.Суюлтирилган газ «Бажарувчи» транспорти билан ташилганда транспорт хужжатларида транспорт хизматининг ҳақи ҳам кўрсатилади.

2.7.«Бажарувчи» маҳсулот йўқлиги сабабли маҳсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган маҳсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт. Агарда маҳсулоти етказиб берилмаганлиги «Буюртмачи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Бажарувчи» кўрилган зарарни тўлайди.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Буюртмачи» олаётган ёқилғи маҳсулоти учун олдиндан тулов:

- суюлтирилган газ (пропан) учун 100 фоиз;

3.3. «Буюртмачи» томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4. «Бажарувчи» суюлтирилган газни «Буюртмачи»га маҳсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул ҳаражатлари ҳисобга олинади.

3.5. Суюлтирилган газнинг нархи, темир йул ҳаражатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Суюлтирилган газнинг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўриқнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Бажарувчи» сиқилган газни етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмол»чига мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефтмаҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганда «Буюртмачи» суюлтирилган газни қабул қилишдан бош тортиши, «Бажарувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Бажарувчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва суюлтирилган газни олишдан **сабабсиз** бош торганлиги учун «Буюртмачи»нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Бажарувчи»га олинмаган маҳсулотининг умумий қийматини 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Суюлтирилган газ тўлик олинмаган тақдирда «Бажарувчи», жарима ундиришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга ҳақли. бунда у мазкур маҳсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган суюлтирилган газ тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Буюртмачи» ҳисобидан «Бажарувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради) ва 2022 йил «31» мартгача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ёр қимирлаши ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекс ива «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.

10. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

10.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судлари томонидан хал қилинади.

10.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

10.4. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 мартгача кучда бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминловчи»
"Хазорбоғ" ФХ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро шаҳар

Тел. сот +998907447800

х/в 20208000900410906001

Банк номи Капитал банк город Бухара

МФО 01082

ОКЭД 01161

СТИР 201022267

E-mail: Ismoil.Soliev@gmail.com

Раҳбар



И.Солиев

«Буюртмачи»

Бухоро вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо
бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик 10 уй

Тел./факс 221-56-00

ш/х* 100021860064017041180088001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 305377714

ОКОНХ 84112

Ғазначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти
бўйича Ғазначилик бошқармаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Бухоро вилоят Марказий банкнинг
ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Бошқарма бошлиғи

Р.Р.Асадов



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Губоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси:

Handwritten signature